

АКАДЕМИК Е.Э.БЕРТЕЛЬС АСАРЛАРИДА НАВОИЙ МАЪНАВИЙ МЕГОСИ ТАҲЛИЛИ

Туробов Б.Н., Ph.D. – СавДЧТИ, Ўзбекистон

Алишер Навоий ўзбек мумтоз маданияти ва адабиётининг энг порлоқ намоёнлари бўлганлиги учун шарқшунос олим Е.Э.Бертельс унинг ижодига жиддий эътибор берди. Бу олим Алишер Навоий ижодига бағишланган "Навоий" номли монографиясида XV асрда Маркатиё Осиедаги адабий ҳаёт манзарасини чизди. Асарда Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида биринчи бўлиб ут дэврига нисбатан ҳақиқий илмий асар ёзган Михаил Никитскийнинг "Амир Нигомиддин Алишернинг давлатда ва адабиётда тутган урни" ("Эмир-Низам-ад-дин Али-Шер в государственном и литературном его значении") номли магистрлик диссертациясининг ютуқлари, хато ва камчиликлари, бунинг сабаблари ҳақида қимматли фикрлар билдирилган [1: 7]. Рус шарқшунослигида ilk бор М.Никитский Алишер Навоийнинг ижодини урганишга жиддий эътибор бериб, уни имкон қадар таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Бу магистрлик диссертацияси айрим камчиликлардан холи эмас, аммо у биринчидан, кейинги ишларга асосий манба бўлиб хизмат қилганлиги, иккинчидан, рус навоийшунослигини бошлаб бергани билан алоҳида аҳамиятга эгадир [2: 109].

Е.Э.Бертельснинг Навоийнинг ижодига бағишланган яна бир йирик илмий тадқиқоти "Навоий ва Жомий" асаридир. Шунинг таъкидлаш жоизки, олим бу асарда ут олдига Навоийнинг назмий ва насрий ижодини тадқиқ қилиш вазифасини қўймаган. Унинг асосий мақсади Навоий ҳаёти ва ижодининг муҳим томонларини ёритишдан иборат бўлган. Шу билан бирга бу асарда Навоий шеърлари, "Ҳамса" га қирган дostonлари таҳлил қилиниб, уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Е.Э.Бертельс назарида Навоийнинг "Ҳамса" асаридаги бош қаҳрамонлар юксак ахлоқий меъонларга монанд фозил ва одил шахслардир. Масалан, Мажнун, Фарҳод ва Искандар утларида бутун эзгу фазилатларни жамлаган ва фаровон жамият қуришни мақсад қилиб қўйган камил инсонлардир.

Тасаввуфшунос олим Н.Комплова Е.Э.Бертельснинг тадқиқотларига муносиб баҳо беради ва у биринчилардан бўлиб Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган монография элиб, қол эттирганини таъкидлайди. Унинг Ҳирот адабий муҳити, Жомий ва Навоий дустлиги, Навоий асарларининг мазмунини объектив ёритганини, шулар билан бирга "Навоий ва Аттор" номли асарда "Мантқ ут-тайр" ва "Лисон ур-тайр" асарларини батафсил илмий таҳлил қилиб, Навоий асарларининг оригиналлигини исботлаганлигини эътироф этади [3: 202].

Маркатиё Осиеда яратилган мумтоз девонларнинг ҳаммасида мазмун жиҳатидан энг бойи ва қизиқарлиси кутба ҳисобланади. Бу одатда унча катта бўлмаган шеър

булиб, татқи жиҳатдан газалдан фарк қилмайди. Қитъа учун анъанавийлик мавжуд эмас. Шунинг учун шоир узининг фикрларини эркин баён қилишга ҳақлидир. Е.Э.Бертельс Навоий қитъага қанчалик катта аҳамият берганлигини шоир сузлари билан изоҳлайди. Мутафаккир мен йиққан қитъаларнинг ҳар бири бег бўлиб, у ерда ақл дам олади, тупрогини доғлиқ суви билан сугордим ва ҳаммасини боғларга айлантирдим деб ёзади [4: 94-95].

Навоий ижодини тадқиқ қилган олимлар шоирнинг муҳаббат лирикаси-тасаввуфий поэзиядир, ундаги гузал-Аллоҳ тимсоли, май-бода илоҳий қаромат белгисидир, деган фикрни ҳам билдирадилар. Е.Э.Бертельс улуг шоирнинг лирик шеърининг таҳлил юллар экан, унинг кейинги газалларини динга алоқадор деб ҳисоблаш, уларни сулғий равишда мистика сифатида талқин қилиш керак эмас, деган фикрни билдирган [4: 104]. Бошқача айтганда Навоий ижоди бутунлай рақсий характерга эга, деб ҳисобланган. Е.Э.Бертельс бундай қарашларнинг асоссизлигини исботлашга ҳаракат қилиб, ушбу талқинлар ҳақиқатга тугри келмайди, деб эътироф этади. Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” асарида ҳақиқий ва дунёвий ишқнинг тавсифини келтиради. Шоир уларни таърифлашда “ишқи ҳақиқат” ва “ишқи маъжозий” истилоҳларини қўллайди. Ҳақиқий ишқ бевосита Аллоҳга булган муҳаббатин билдирса, маъжозий ишқ эса – дунё гузалликларини аңлатади. Мутафаккир эътиқодича, қўлғида ишқ ути булган одам ёмонлик йулидан юрмайди ва бошқаларга ҳам ёмонлик қилмайди. Е.Э.Бертельснинг фикрича, Навоий узининг ажойиб асарларида ишқ ва муҳаббатни қўйлаган. Шарқшунос олимни бу асарларда қандай муҳаббат ҳақида гап кетастигини қизиқтиради. Унинг хулосасига қура, аввалги тадқиқотчиларнинг аксарияти шоир ижодида Аллоҳга булган тасаввуфий ишқ (*ишқи ҳақиқий*)ни, кейингилари эса оддий, дунёвий, шавҳоний муҳаббатни қўришга ҳаракат қилганлар. Е.Э.Бертельснинг таъкидлашича, Навоийнинг ўн минглаб байтларида фақат ҳақиқий(тасаввуфий) ва ҳаёлий ишқ можаралари ҳақида ёзганлигига ишониб қийин [5: 95-96]. Шоирнинг лирик шеърларининг ҳаммасини ҳам шахсий эътирослари маҳсули деб ҳисоблаш нотугри булар эди. Навоийнинг шавҳатпарастлигини бошқача изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Бу даврнинг шартли услуби зарурий ҳисобланиб ва газални усул тасаввур қилиш мумкин булмаган. Бу қобилда қўндалик ҳаётдаги ҳар қандай муаммоларга муносабат масаласи яширинган эди. Навоийнинг лирикаси жуда бой ҳазинадир. Унда форс ва эски ўзбек тилининг бутун ютуқларидан фойдаланилган. Навоий газаллари мумтоз газалнинг ёркин намунасидир. Шунинг учун унинг девонлари туркман, озарбайжон, турк халқлари поэзиясига катта таъсир қўрсатди [4: 104].

Навоий номи Шарқда, хусусан, унинг “Ҳазойинул-маоний” (*“Маънолар ҳазинаси”*) девони билан машҳур. “Ҳазойинул-маоний” шоирнинг уш даври маънавий ҳаёти қомуси ҳисобланади. “Бундай шеърӣ жанрлар ранг-баранглиги, ошиқ ва маъшуклар қалбининг юксак туйғу ва ихтилолларга бойлиги, инсон гузаллигининг самимий дилбар таъриф-тавсифлари, ёмонликни қоралаш, яхшиликни алқаш Навоий лирик дунёсининг нақадар сеҳрли ва кенг эканидан дарак беради”, -деб ёзади навоийшунос олим А.Ҳайитметов [6: 27]. Агар А.Ҳайитметов бу асарни уш даври маънавий ҳаётининг қомуси, деб баҳолаган бўлса, навоийшунос олим С.Ғаниева шоирнинг лирик мероси тупланган “Ҳазойинул маоний”ни шу давр ижтимоий ҳаётининг том маъносига қомусидир, деган фикрни билдиради. Бу олимларнинг фикрлари айни ҳақиқатдир, чунки Алишер Навоийнинг бу асарида ҳам ижтимоий, ҳам маънавий ҳаёт масалалари тегин ёритилган. Булар шоирнинг умумий ижтимоий позицияси, дунёқарашини характерлайдиган, ифодалайдиган айрим асосий

пахзалардир. Унинг дунёқараши, лирикасида уртага ташланган фикрлар тизими жуда мураккаб, кенг ва гоят кун кирралидир.

Навоий 1483-1485 йилларда бешта дostonни уз ичига олган йирик асари "Хамса"ни ётиш билан машгул булди. Шу йиллар мобайнида ниҳоят шоирнинг бу ияти амалга ошади. У "Хайрат ул-аброр" ("Яхшилар хайрати"), "Фарход ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъан сайер" ("Етти санёра") ва "Садди Искандарий" ("Искандар девори") каби беш dostonни уз ичига олган буюк "Хамса"сини ётиб тугатди".

Алишер Навоийнинг фалсафий, ижтимоий-ахлокий дунёқарашининг асосий кирралари "Хайрат ул-аброр" dostonида акс этган. Бу асарда Аллоҳга ҳамду – санолар айтилган, тасаввуф фалсафасининг баъти муаммолари баён қилинган, нақшбандийлик тариқатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд мадҳ этилган. Навоийнинг фикрича, тугри тарбия одамда камтарликни ривожлантиради, такаббурлик ва сохта манманликни йукотади. Хар бир инсон уз фартанди тарбияси ва билимдонлиги учун масъулдир. Болага фани ва саводни ургатувчи устозни топиш керак, ахир кулпак уқити билан мукаммалликка борса, унинг қомидаги ёввойи куш оякатга ярайди. Агар сенинг углинг жохил булса, бу жуда катта уятдир, шу вақтда табнатдан тоза булмаган ит олми булгандек ҳисобланади [4: 132-133].

Навоийнинг фикрича, инсон уз ҳаётидан рози булиши, бойлик орттириш учун маккорона ҳаракат қилмаслиги керак. Инсон фақат унгина яшай олмайди, ҳамма ютуқлар жамоанинг ҳамкорлигида амалга оширилиши мумкин, ахир якка одамни одам ҳисоблаш мумкинми, деган саволни Навоий кундаллиг қуяди. Бир киши бу дунёда роҳат - фароғатда яшай олмайди. Узининг ҳаётини инсониятга хизмат қилишга бағишлаган кишиларгина одам деган улуг номга сазовордир. Навоий, агар сен одам булсанг, кишиларнинг гамини уйламайдиганларни одам санама, кимки одамнинг улиmidан хурсанд булса, у е гурков, ё мурдашуй еки жаллоддир [4: 132-133]. Бу гоё унинг ижодида маркатий уринини ағаллайди.

Е.Э.Бертельс Алишер Навоий ижодини хар қандай идеаллаштириши ва тамонавийлаштиришига ҳамда унинг ҳаёти ва ижодини субъектив таҳлил қилишга қарши чиқди. Шунинг учун улут шоир ижодини асосен, нотугри талқин қилишдан ҳимоя қила олди. Шу билан бирга бу ерда олим турк тилидаги адабиётларнинг форс тилидаги адабиётга муносабатини ҳақидаги масалани тугри куйиш кераклигини уктиради. Е.Э.Бертельс турк халқларининг адабиети қандайдир норасо деган фикрга қарши чиқали. Унинг эътироф этилишига, бу фикрнинг тарафдорлари туркий тилли халқлар адабиетини форс муаллифлари муштой ижодларига таклид сифатида таясифлаб, ундан узига ҳосликнинг хар қандай ҳуқуқини тортиб олишга интилдилар ва шу билан унинг урганилишини сезиларли даражада оркага сурдилар. Г.Халлиева "XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек муштой адабиети" номли монографиясида XIX асрнинг иккинчи ярмида туркий адабий манбаларининг форсий адабиётининг тахрори ёки унга таклид қилиб яратилган деган нотугри қарашларнинг анъанавий тус олганлиги дастлаб И.Берёкин, М.Никитский, кейинчалик А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд, М.Ф.Гаврилов излаишлари билан билан боғликлигини кўрсатади. Унинг фикрича, фақат Е.Э.Бертельс бу масалага холис баҳо берди. Бу олим Навоий форс адабиётининг таклидчиси эмаслигини жиддий илмий излаишлари билан рад этди [2: 50]. Ҳатто Е.Э.Бертельс уз устози В.В.Бартольдни ҳам танкид қилиб, унинг Навоий ҳақидаги ёзганлари асосен, чунки у Навоий ижоди билан шугулланмаган [4: 67-68], дейди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг ишқий гаталлариини воқеабанд

лириканинг гузал намунаси сифатида курсатмоқчи булган Абдурахмон Саъдийнинг фикрига ҳам қўшилмайди.

Хулоса уришда шунини таъкидлаш зарурки, Навоий ўз даврининг иллатларига қарши газаллари ва ғазалий фаоллиги билан қарши турнишга астойдил ҳаракат қилган. Навоий фақат улкан мутафаккир ва шоиргина эмас, балки ўз халқини чиндан севувчи Инсон ҳам эди. Шунинг учун унинг маънавий меросини урганиш ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти. Тошкент-1959
2. Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. Тошкент. 2018
3. Комилов Н. Тўфаккур қарвонлари. –Т.: Шарқ. 2011. Б. 202
4. Бертельс Е.Э. Избранные труды Навои и Джами. Том 4. Издательство "Наука". Главная редакция Восточной литературы. Составитель и редактор Э.Р. Рустамов. М. 1965
5. Е.Э. Бертельс Жамий, Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси -Самарқанд. СамДУ нашри. 2010
6. Ҳайитметов А. Алишер Навоий дуниси. Ўзбекистонда шайтоний фанлар. 1991. 2-сон